



INFORMATION AND PSYCHOLOGICAL THREATS IN SOCIO-POLITICAL PROCESSES AND THE PROBLEMS OF ENSURING SPIRITUAL SECURITY

Makhfuza Yuldasheva

Associate Professor at TDIU

Doctor of Philosophy (PhD) in Political Sciences

Toshkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: information-psychological threats, public consciousness, spiritual security, media manipulation, strategic communication, disinformation, social stability.

Received: 19.04.26

Accepted: 20.04.26

Published: 21.04.26

Abstract: This article provides a comprehensive analysis of the mechanisms underlying the formation of information-psychological threats in socio-political processes and their systemic impact on spiritual security. The study employs a conceptual-analytical approach, comparative analysis, and media discourse analysis of open sources. The findings identify the typology of threats, channels of influence, and factors affecting societal resilience. Furthermore, the effectiveness of institutional and preventive mechanisms aimed at ensuring spiritual security is theoretically substantiated.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА АХБОРОТ ПСИХОЛОГИК ТАҲДИДЛАР ВА МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

Махфуза Юлдашева

ТДИУ доценти

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ахборот-психологик таҳдидлар, ижтимоий онг, маънавий хавфсизлик, медиа манипуляция, стратегик коммуникация, дезинформация, ижтимоий барқарорлик.

Аннотация: Ушбу мақолада ижтимоий-сиёсий жараёнларда ахборот-психологик таҳдидларнинг шаклланиш механизмлари ҳамда уларнинг маънавий хавфсизликка кўрсатаётган тизимли таъсири комплекс равишда таҳлил этилади. Тадқиқот доирасида концептуал-таҳлилий ёндашув, қиёсий таҳлил ва очиқ манбалар

медиа-дискурс таҳлили усуллари қўлланилди. Олинган натижалар ахборот-психологик таҳдидларнинг типологиясини, таъсир каналларини ва жамият барқарорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш имконини берди. Шунингдек, маънавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган институционал ва профилактик механизмларнинг самарадорлиги илмий жиҳатдан асосланди.

ИНФОРМАЦИОННО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ УГРОЗЫ В ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССАХ И ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ДУХОВНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Махфуза Юлдашева

Доцент ТДИУ

Доктор философии (PhD) по политическим наукам

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: информационно-психологические угрозы, общественное сознание, духовная безопасность, медиа-манипуляция, стратегическая коммуникация, дезинформация, социальная стабильность.

Аннотация: В статье комплексно анализируются механизмы формирования информационно-психологических угроз в социально-политических процессах и их системное влияние на духовную безопасность. В исследовании применены концептуально-аналитический подход, сравнительный анализ и медиа-дискурс анализ открытых источников. Полученные результаты позволили выявить типологию угроз, каналы их воздействия, а также факторы, влияющие на устойчивость общества. Кроме того, научно обоснована эффективность институциональных и профилактических механизмов обеспечения духовной безопасности.

Кириш. Ижтимоий-сиёсий жараёнлар замонавий жамиятда ахборот алмашинувининг тезлиги ва кўлами билан бевосита боғланиб, қарор қабул қилиш, ижтимоий ишонч, фуқаролик иштирокчиллиги ва институционал легитимлик каби мезонларга таъсир кўрсатувчи омилга айланди. Ахборот муҳитидаги трансформациялар натижасида таҳдидлар ҳам ўзгармоқда: улар эндиликда фақат ахборотни яшириш ёки нотўғри етказиш билан чекланмай, инсоннинг идроки, эмоцияси ва хулқ-атворини бошқаришга

йўналтирилган психологик таъсир технологиялари билан уйғунлашмоқда. Бундай таъсирлар ижтимоий маконда қийматлар тизимига нисбатан ишончни сусайтириши, умумий маънавий меъёрларни парчалаши, ахборотга ишончсизлик ва когнитив чарчокни кучайтириши мумкин. Шу боис ахборот-психологик таҳдидларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ўрнини илмий асосда тушунтириш ва маънавий хавфсизликни таъминлаш механизмларини такомиллаштириш долзарб вазифа сифатида намоён бўлади.

Мавзунинг илмий долзарблиги. Ахборот ва психология кесишмасида юзага келадиган муаммоларнинг кўп омилли табиати билан изоҳланади. Бир томондан, ахборот-психологик таҳдидлар медиа тизимлар, платформалар архитектураси, алгоритмик тавсиялар ва тармоқ таъсирлари орқали институционал ва норасмий акторлар томонидан тарқатилиши мумкин. Иккинчи томондан, улар инсон психикасидаги когнитив бурилишлар, стереотиплаштириш, гуруҳий динамика, хавфни қабул қилиш ва эмоционал реакциялар механизмига таянади. Учинчи муҳим ўлчам маънавий хавфсизлик тушунчасининг таркибий мураккаблигидадир: у фақат меъёрий қарашлар мажмуи эмас, балки ижтимоийлашув институтлари, таълим-тарбия, медиа саводхонлик, умумий маданий код ва жамоавий идентификациянинг барқарорлигига тааллуқли. Илмий адабиётларда ахборот хавфсизлиги кўпинча техник ёки ҳуқуқий контекстда кенг ёритилган бўлса, ахборот-психологик таъсирнинг айнан маънавий хавфсизликка йўналтирилган муаммолари, унинг индикаторлари ва баҳолаш мезонлари етарли даражада тизимлаштирилмаган ҳолатлар учрайди [1; 2]. Шу ерда тадқиқот бўшлиғи сифатида ахборот-психологик таҳдидларнинг типологияси, таъсир каналлари ва маънавий хавфсизликни таъминлашдаги институционал, таълимий ҳамда коммуникацион чоралар ўртасидаги боғлиқликни бир модел доирасида кўрсатиш зарурати пайдо бўлади.

Тадқиқотнинг мақсади ижтимоий-сиёсий жараёнларда ахборот-психологик таҳдидларнинг шаклланиш механизмини таҳлил қилиш, уларнинг маънавий хавфсизликка таъсирини концептуал жиҳатдан асослаш ва барқарорликни таъминлашнинг интеграл ёндашувини таклиф этишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар ҳал этилади: ахборот-психологик таҳдидларнинг мазмунан фарқланувчи турларини ажратиш; таҳдидларнинг тарқалиш каналлари ва аудиторияга таъсир инструментларини тавсифлаш; маънавий хавфсизликнинг функционал индикаторларини концептуаллаштириш; профилактика ва муқобил таъсир механизмларининг институционал моделига доир таклифларни асослаш.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, у стратегик коммуникация, таълим дастурлари, медиа саводхонлик ва ижтимоий ишончни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсат-амалиёт ечимларини илмий жиҳатдан муҳокама қилиш учун асос яратади.

Методлар қисми. Тадқиқот методологияси кўп манбали ва кўп босқичли таҳлилга асосланди. Биринчи босқичда назарий-методологик асос сифатида ахборот таъсири, когнитив психология ва ижтимоий коммуникациялар назарияларидаги тушунчалар тизимлаштирилди. Бу ёндашув ахборот-психологик таҳдидларни фақат хабар мазмуни сифатида эмас, балки таъсирнинг сценарийси, аудиториянинг қабул қилиш режимлари ва ижтимоий муҳитдаги қайта ишлаш амалиётлари билан бир бутун жараён сифатида кўриш имконини берди [3; 4].

Иккинчи босқичда қиёсий-таҳлилий метод қўлланиб, турли мамлакатлар ва мактабларда шакланган “ахборот таъсири”, “психологик операциялар”, “дезинформация” ва “стратегик коммуникация” тушунчаларининг мазмуний яқин ва фарқли жиҳатлари солиштирилди. Қиёсий таҳлилнинг мақсади терминологик чалкашликларни камайтириш ва маънавий хавфсизликка дахлдор таркибий белгиларни ажратиб кўрсатишдан иборат бўлди [5; 6].

Учинчи босқичда очиқ манбалардаги медиа-дискурсни таҳлилий ўрганиш усулидан фойдаланилди. Унда ижтимоий тармоқларда оммалашган баҳсли мавзулардаги риторик моделлар, эмоционал триггерлар, “душман образи”ни қуриш усуллари, ҳамда ишончни емиришга қаратилган нарратив конструкцияларига хос белгилар умумлаштирилди. Дискурс таҳлили эмпирик жиҳатдан статистик ҳисоб-китобга эмас, балки такрорланувчи семантик шаблонлар, кадрлаш усуллари ва манипулятив лексикага эътибор қаратди, зеро мақола мақсади миқдорий баҳолашдан кўра концептуал механизмларни тушунтиришга қаратилган.

Тўртинчи босқичда концептуал моделлаштириш усули орқали таҳдид манбалари, тарқалиш каналлари, аудиториянинг психологик заиф нуқталари ва институционал жавоб чоралари ўртасидаги боғлиқлик умумий схема сифатида ифодаланди. Бундай моделлаштириш ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг динамик табиатида профилактика, тезкор жавоб ва узоқ муддатли барқарорлик чоралари ўртасидаги мувофиқликни кўрсатиш учун мақбул деб топилди [7; 8].

Натижалар қисми. Тадқиқот натижасида, аввало, ахборот-психологик таҳдидларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга хос типологияси асосланди.

Биринчи тур сифатида когнитив дезориентацияга қаратилган таҳдидлар ажратилди; бундай ҳолатларда ахборот оқими қасддан ортиқча ва зиддиятли қилиб ташкил этилади, натижада аудиторияда воқеликни тизимли англаш пасаяди ва қарама-қарши манбаларни текширишга ресурс етишмаслиги пайдо бўлади.

Иккинчи тур эмоционал поляризацияни кучайтиришга хизмат қилувчи таҳдидлардан иборат бўлиб, улар ҳиссий “қизитиш”, хавотир ва ғазабни рағбатлантириш орқали гуруҳлараро ишончни сусайтиради.

Учинчи тур рамзий-қийматли инқирозни кўзғатувчи таъсирлар бўлиб, улар умумқабул қилинган маданий кодлар, ижтимоий меъёрлар ва ижобий идентификация нуқталарини масхара қилиш, арзимаслаштириш ёки рад этиш орқали маънавий бирликка зарба беради.

Тўртинчи тур институционал ишончни емиришга йўналган таҳдидлар сифатида тавсифланди; бунда давлат ва жамоат институтлари ҳақидаги ахборот селектив тарзда танланади, алоҳида ҳолатлар умумий қоида сифатида кўрсатилади ва ҳалол мулоқот имконияти чекланади.

Бешинчи тур ижтимоий фаолликни манипулятив йўналтириш билан боғлиқ бўлиб, ахборот таъсири муайян қарорларни қўллаб-қувватлаш ёки рад этишга ундайдиган “кўринмас туртки”ларга таянади; бу ерда тўғридан-тўғри чақириқдан кўра кундалик коммуникация одатларини ўзгартириш муҳимроқ ҳисобланади.

Иккинчи натижа сифатида таҳдидларнинг тарқалиш каналлари ва таъсир архитектураси очиб берилди. Таҳдидлар одатда марказлашган ва марказлашмаган тармоқлар уйғунлигида ҳаракат қилади: бир тарафдан, катта аудиторияга чиқувчи медиа ресурслар орқали асосий нарратив рамкалари узатилади, иккинчи тарафдан, ижтимоий тармоқларда микрогуруҳлар даражасида нарративлар локаллаштирилиб, “ишончли таниш” эффектлари орқали мустаҳкамланади. Шу жараёнда алгоритмик тавсиялар, тренд механизми ва вирусли контент формати таъсир тезлигини оширади, аммо таҳдиднинг самарадорлиги асосан психологик триггерларнинг аниқ танланишига боғлиқ бўлиб қолади.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, манипуляция кўпинча ахборотнинг ёлғон-ростлиги билан эмас, унинг тақдим этилиш кадри, контекстдан узиб олиш, тартиблаш ва баҳолаш орқали амалга ошади; яъни бир хил факт турлича рамкалангандан сўнг аудиторияда мутлақо бошқа хулоса шаклланиши мумкин.

Учинчи натижа маънавий хавфсизликнинг функционал индикаторларини концептуаллаштириш билан боғлиқ. Тадқиқотда маънавий хавфсизлик жамиятда

қийматлар барқарорлиги, мулоқот маданияти, ижтимоий ишонч, танқидий фикрлаш одатлари ва идентификациянинг конструктив шакллари сақланиши билан белгиланадиган ҳолат сифатида талқин этилди. Шундан келиб чиқиб, ахборот-психологик таҳдидлар айнан шу индикаторларга босим ўтказиши аниқланди: қийматлар барқарорлигига таъсир уни нисбийлаштириш ва маъносизлаштириш орқали; мулоқот маданиятига таъсир ҳақоратли риторика ва дегуманизация шаблонлари орқали; ижтимоий ишончга таъсир доимий шубҳа ва фитна услубидаги талқинлар орқали; танқидий фикрлашга таъсир тезкор хулоса чиқаришни рағбатлантирувчи контент ва когнитив чарчоқ орқали; идентификацияга таъсир эса “биз” ва “улар” қарама-қаршилигини кескинлаштириш орқали амалга ошади.

Тўртинчи натижа сифатида маънавий хавфсизликни таъминлашнинг интеграл институционал модели таклиф этилди. Унда уч даража бир-бирига боғланган деб кўрсатилди: профилактик даража, тезкор мослашув даражаси ва узоқ муддатли барқарорлик даражаси. Профилактикада медиа саводхонлик, ахборот гигиенаси ва таълим орқали когнитив иммунитетни ошириш устувор ҳисобланади; тезкор мослашувда ахборот бўшлиқларини тўлдирувчи ишончли стратегик коммуникация, тушунтирувчи мулоқот ва инкироз коммуникацияси муҳим; узоқ муддатли барқарорликда эса маданий капитални қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ишонч инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва очик мулоқот институтларини ривожлантириш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Моделнинг янгилиги шундаки, у техник ёки фақат ҳуқуқий чораларни етарли деб ҳисобламайди, балки психологик барқарорликни таъминлайдиган таълимий ва коммуникацион механизмларни институционал тарзда мувофиқлаштиришни марказга қўяди.

Муҳокама қисми. Олинган натижалар ахборот-психологик таҳдидларни тушунишдаги бир қатор назарий позициялар билан уйғун ва айрим жиҳатларда уларни тўлдиради. Масалан, ахборот таъсирининг аудитория хулқига таъсирини тушунтиришда когнитив қисқаришлар ва эвристик қарор қабул қилиш механизмлари муҳимлиги хорижий адабиётларда кенг ёритилган бўлиб, бизнинг таҳлилда уларнинг маънавий хавфсизлик индикаторларига бевосита боғланиши кўрсатилди [4]. Шу нуқтаи назардан, таҳдидларга қарши курашни фақат “фейк”ни фош этиш билан чеклаш самарадор эмас: агар аудиторияда шубҳа ва чарчоқ ҳолати мустаҳкамланиб қолса, ҳатто тўғри ахборот ҳам рад этилиши мумкин. Демак, маънавий хавфсизликни таъминлаш ахборотнинг ҳаққонийлигидан ташқари, мулоқот маданиятини сақлаш ва ишончни тиклаш амалиётларини ҳам талаб қилади.

Россия тадқиқот анъанасида ахборот-психологик таъсир кўпинча ижтимоий бошқарув ва оммавий онг динамикаси билан боғлаб таҳлил қилинади; айрим ишлар таҳдидларнинг комплекс табиатини таъкидлаб, ахборот маконидаги манипуляцияни институционал ва психологиявий омиллар кесишмаси сифатида кўради [5; 6]. Бизнинг натижалар ушбу ёндашувни кўллаб-қувватлаган ҳолда, “таъсир каналлари” масаласида алгоритмик тавсиялар ва тармоқ микрогуруҳлари ролини алоҳида очиб берди. Бу ерда муҳим жиҳат шуки, тармоқ коммуникациясида ишонч вертикал манбадан кўра горизонтал “танишлар” орқали мустаҳкамланади; шунинг учун стратегик коммуникация моделлари аудитория билан бир йўналишли ахборот узатиш эмас, балки диалог, тушунтириш ва фикрларнинг конструктив мувофиқлашувини ҳам ўз ичига олиши керак.

Ўзбекистонлик тадқиқотчилар томонидан маънавий хавфсизлик, ахборот маданияти ва ёшлар онгини ҳимоя қилиш масалаларида қатор назарий йўналишлар ишлаб чиқилган; уларда маданий-қийматли барқарорликни сақлаш ва таълим-тарбия механизмларини кучайтириш устуворлиги таъкидланади [1; 2]. Бизнинг модел айнан шу йўналишни кенгайтириб, профилактика ва узоқ муддатли барқарорлик чораларини “когнитив иммунитет” тушунчаси билан боғлайди. Когнитив иммунитет бу ерда инсоннинг ахборотни текшириш, манбани баҳолаш, контекстни тиклаш ва эмоционал реакцияни назорат қилиш қобилиятлари мажмуи сифатида қаралади. Унинг аҳамияти шундаки, у маънавий хавфсизликни ташқи таъсирларга нисбатан фақат ҳимоя эмас, балки ички барқарорлик ва масъулиятли мулоқот маданияти сифатида талқин этиш имконини беради. Шу билан бирга, ахборот-психологик таҳдидларга қарши чораларнинг эҳтимолий чегаралари ҳам мавжуд. Халқаро адабиётларда контентни чеклашга асосланган ёндашувлар баъзан ишонч инкирозини янада кучайтириши, “тақиқланган ахборот” эффектини юзага келтириши мумкинлиги қайд этилади [3; 8].

Бизнинг натижалардан келиб чиқиб, самарали йўл сифатида таълимий ва коммуникацион чораларнинг мувофиқлашган пакети асосий ўрин тутуди: тезкор даврда тушунтириш ва очик мулоқот ишончни сақлашга хизмат қилса, узоқ муддатда медиа саводхонлик ва маданий капитални кўллаб-қувватлаш таҳдидларга сезгирликни пасайтиради. Бу ерда институционал мослашув деганда фақат расмий баёнотлар эмас, балки экспертлар, таълим муассасалари, фуқаролик жамияти ва оммавий коммуникация платформалари ўртасидаги ҳамкорлик механизми тушунилади [7]. Бундай ҳамкорлик ахборот бўшлиқларини камайтиради, баҳсли масалаларни радикаллаштирмасдан муҳокама қилишни осонлаштиради ва маънавий хавфсизлик индикаторларини мустаҳкамлайди.

Муҳокама доирасида яна бир муҳим хулоса шундаки, маънавий хавфсизликни баҳолашда фақат контент таҳлили етарли эмас, балки аудиториядаги қабул қилиш одатлари ва мулоқотнинг ижтимоий психологияси ҳам инобатга олиниши керак. Масалан, бир хил ахборот турли ижтимоий гуруҳларда турлича талқин қилиниши, мавжуд тажриба ва идентификацияга мос келса тез қабул қилиниши мумкин. Шунинг учун профилактика чоралари универсал “битта дарс” ёки “битта кампания”га суянмасдан, гуруҳлар кесимида тушунтириш услубларини мослаштиришни талаб қилади. Халқаро тадқиқотларда “резилентлик” тушунчаси айнан шу мослашувчанлик ва жамоавий барқарорликни англатади [9]. Бизнинг ишда резилентлик маънавий хавфсизликнинг амалий ўлчами сифатида талқин қилиниб, у ишонч, мулоқот маданияти ва танқидий фикрлашнинг биргаликдаги ҳолатига боғланди.

Хулоса. Тадқиқот ижтимоий-сиёсий жараёнларда ахборот-психологик таҳдидлар маънавий хавфсизликка кўп қиррали таъсир кўрсатишини ва бу таъсир асосан когнитив дезориентация, эмоционал поляризация, рамзий-қийматли инкироз ҳамда институционал ишончнинг сусайиши орқали намоён бўлишини асослади. Мақолада таҳдидларнинг типологияси ва тарқалиш архитектураси концептуал тарзда тизимлаштирилиб, маънавий хавфсизликнинг функционал индикаторлари таклиф этилди. Илмий ҳисса сифатида профилактика, тезкор мослашув ва узоқ муддатли барқарорликни бирлаштирувчи интеграл институционал модель асосланди; у таълимий, коммуникацион ва маданий механизмларни мувофиқлаштириш орқали когнитив иммунитет ва жамоавий резилентликни оширишга йўналтирилган. Кейинги тадқиқотлар учун истиқбол сифатида маънавий хавфсизлик индикаторларини эмпирик баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш, турли аудитория гуруҳлари кесимида қабул қилиш моделларини чуқур ўрганиш ва стратегик коммуникациянинг самарадорлик мезонларини аниқлаш долзарб бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти назарияси: ижтимоий-сиёсий таҳлил. Тошкент: Ўзбекистон, 2016. 320 б.
2. Саидов А. Х. Ахборот хавфсизлиги ва ҳуқуқий маданият масалалари. Тошкент: Адолат, 2019. 248 б.
3. Sunstein C. R. Republic: Divided Democracy in the Age of Social Media. Princeton: Princeton University Press, 2017. 320 p.
4. Kahneman D. Thinking, Fast and Slow. New York: Farrar, Straus and Giroux, 2011. 499 p.

5. Кара-Мурза С. Г. Манипуляция сознанием. Москва: Эксмо, 2017. 864 с.
6. Почепцов Г. Г. Информационные войны. Киев: Ваклер, 2016. 400 с.
7. Castells M. Communication Power. Oxford: Oxford University Press, 2013. 624 p.
8. Wardle C., Derakhshan H. Information Disorder: Toward an Interdisciplinary Framework. Strasbourg: Council of Europe, 2017. 108 p.
9. Vosoughi S., Roy D., Aral S. The spread of true and false news online. New York: AAAS, 2018. P. 1146–1151.